

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ БЎЙИЧА БЎШ ПРОФЕССОР-ЎҚИТУВЧИ ХОДИМЛАР ТАРКИБИГА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

(2019 йил октябрь)

Доцентлар:

Даволаш факультетида қарашли
“Неврология” кафедраси

Тиббий педагогика факультетида
қарашли “2-сон факультет ва
госпитал жарроҳлик” кафедраси

Катта ўқитувчилар:

Тиббий профилактика факультетида
қарашли “Гистология ва тиббий
биология” кафедраси

Тиббий педагогика факультетида
қарашли “Юқумли ва болалар юқумли
касалликлари” кафедраси

Ассистентлар:

Даволаш факультетида қарашли
“Патологик анатомия” кафедраси

Даволаш факультетида қарашли
“1-сон болалар касалликлари”
кафедраси

Тиббий профилактика факультетида
қарашли Информатика ва биофизика
кафедраси

Тиббий профилактика факультетида
қарашли “Микробиология,

вирусология ва лаборатория иши”
кафедраси

Олий маълумотли ҳамшира
факультетида қарашли
“Суд тиббиёти” кафедраси

Олий маълумотли ҳамшира
факультетида қарашли
“Суд тиббиёти” кафедраси

Тиббий педагогика факультетида
қарашли “Нормал ва патологик
физиология” кафедраси

Тиббий педагогика факультетида
қарашли “Реабилитология халқ
тиббиёти ва жисмоний тарбия”
кафедраси

Тиббий педагогика факультетида
қарашли “Психиатрия ва наркология”
кафедраси

Малака ошириш факультетида
қарашли “Дерматовенерология”
кафедраси

Ўқитувчи:

Олий маълумотли ҳамшира
факультетида қарашли “Тиллар”
кафедраси

Хужжатларни қабул қилиш эълон қилинган кундан бошлаб бир ой муддатда ректоратнинг девонхона бўлимига топширилади.

Манзилимиз: Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2-уй.



TIBBIYOTNOMA

TOSHKENT TIBBIYOT AKADEMIYASI NASHRI

№ 9 2019 YIL 24 Sentyabr

БИЛИМ ВА ЗИЁ МАСКАНИ...

Яхши кутубхона – буюк хазина...

В.Белинский

Маълумки, кутубхона махсус ва ўқув адабиётларидан, луғат-энциклопедик нашрлардан, муайян билим соҳаси бўйича китоблар, бадий адабиётлар, даврий нашрлардан иборат бўлади.



Қутлаймиз!

Қадрли профессор-ўқитувчилар, ҳурматли устозлар!

Сиз азишларни яқинлашиб келаётган Ўқитувчи ва мураббийлар кун билан самимий табриклайман.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Тошкент тиббиёт академияси илмий, ташкилий ва бошқа жараёнларда қўлга киритилаётган ютуқларни устозлар иштирокисиз тасаввур қилиш қийин.

Уларнинг шарафли, аммо заҳматли меҳнатдаги, илмий-ижодий изланишдаги ҳамда ўқув жараёнидаги жон фидолигини юксак қадрлаймиз.

Изланувчан, иқтидорли, ҳар томонлама етук, фахрланишга арзийдиган талабаларимиз сафи йил сайин ортиб бораётганлиги бизни беҳад шод этади.

Қадрли баланд муҳтарам устоз-мураббийлар! Сизларни касб байрамингиз билан яна бир бор муबारакбод этаман.

Сизларга тани-сиҳатлик, узоқ умр, оилавий бахт, хонадонларингизга тинчлик-омонлик, дастурхонингизга файзу барака тилайман. Илмий ва ижодий фаолиятингизда улкан ютуқлар ва омад ёр бўлсин.

Л.ТУЙЧИЕВ,

Тошкент тиббиёт академияси ректори

2011 йилнинг 13 апрелида “Ўзбекистон Республикасининг кутубхона-ахборот фаолияти бўйича” Қонуни имзоланди. Ҳукуматимиз бу ҳужжатнинг асосий мақсади – кутубхона-ахборот фаолиятига бўлган муносабатни ўзгартириш, кутубхона тизимида ислохот ўтказишни белгилади. Бу ҳужжат шунингдек, ахборот-ресурс марказларини ташкиллаштириш, уларнинг асосий вазифалари, тузилишини, молиялаштиришни, улар фондиди тўлдириш, ҳисобга олиш, сақлаш, китобхонларнинг бурч ва мажбуриятларини, халқаро ҳамкорликни йўлга қўйиш каби бир қатор вазифаларни ҳал қилишни белгилаб берди. Ўзбекистон Республикаси олий ва ўртамахсус таълим вазирлиги томонидан юқоридаги Қонунга асосан олий ўқув юртларининг ахборот-ресурс марказларида ахборот-коммуникацион технология асосида янги таълим стандартларига мос келувчи электрон ресурсларни ташкил қилиш ҳақида фар-

мойиш чиқарилди. Ушбу Фармойишга кўра Тошкент тиббиёт академияси ахборот-ресурс маркази (АРМ) ходимлари ҳам бу борада ўзларининг иш фаолиятини давом эттирмақда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2017 йилнинг 12 январь кун “Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ри-возлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида”ги Фармойишни имзолади. Жорий йилнинг мартада эса Президентимиз томонидан ижтимоий, маънавий-маърифий соҳалардаги ишларни янги тизим асосида йўлга қўйиш бўйича 5 та муҳим ташаббус илгари сурилди. Тўртинчи ташаббус ёшлар маънавиятини юксалтириш, улар ўртасида китобхонликни кенг тарғиб қилиш бўйича тизимли ишларни ташкил этишга йўналтирилган.

(Давоми 3-бетда.)

MUASSIS:
TOSHKENT
TIBBIYOT
AKADEMIYASI

MUHARRIR
TURDIQUL
BOBOMURATOV

TAHRIR HAYATI:
Q.Nizomov (Bosh muharrir o'rinbosari),
O.Hazratov, D.Hidayeva, D.Norgulov,
L.Abdugodirova, D. Xudoyqulov

Gazeta Pentium-IV
kompyuterida sahifalandi va Toshkent
Tibbiyot akademiyasi RISOGRAFida
400 nusxada chop etildi.
Manzilimiz:
Toshkent shahri, Farobiy
ko'chasi, 2-uy
Nashr uchun ma'sul
R. Matmurodov

Gazeta Toshkent Matbuot va axborot
boshqarmasida 2007-yil 15-yanvarda
02-0049 raqam bilan ro'yxatga olingan

Mualliflar fikri tahririyat nuqati nazaridan farqlanishi
mumkin. Maqolalardagi ma'lumotlar uchun
mualliflar javobgardir
Бепул тарқатилади



Олиб ўрганганинг ори бўлмайди,
Олмоқдан ўзга бир кори бўлмайди.



Хикмат

ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ ЭЗГУ ҒОЯЛАРИ – АМАЛДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 19 март куни ёшларга эътиборни кучайтириш, ёш авлодни маданият, санъат, жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш, уларда ахборот технологияларидан тўғри фойдаланиш кўникмасини шакллантириш, ёшлар ўртасида китобхонликни тарғиб қилиш, хотин-қизлар бандлигини таъминлаш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди.

Мамлакатимиз аҳолисининг 30 фоизи 14 дан 30 ёшгача бўлган ёшлардир. Уларнинг таълим олиши, касб-хунар эгаллаши учун замонавий шароит ва имкониятлар яратилган. Шу билан бирга, ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказишни ташкил этиш долзарб масала ҳисобланади. Ёшлар қанчалик маънавий баркамол бўлса, турли ёт иллатларга қарши иммунитетни ҳам шунча кучли бўлади.

Маълумки, давлатимиз раҳбари ижтимоий, маънавий-маърифий соҳалардаги ишларни янги тизим асосида йўлга қўйиш бўйича 5 та муҳим ташаббусни илгари сурган эди.

Биринчи ташаббус ёшларнинг мусиқа, рассомлик, адабиёт, театр ва санъатнинг бошқа турларига қизиқишларини оширишга, истеъдодини юзага чиқаришга хизмат қилади.

Иккинчи ташаббус ёшларни жисмоний чиниқтириш, уларнинг спорт соҳасида қобилиятини намоён қилишлари учун зарур шароитлар яратишга йўналтирилган.

Учинчи ташаббус аҳоли ва ёшлар ўртасида компьютер технологиялари ва интернетдан самарали фойдаланишни ташкил этишга қаратилган.

Тўртинчи ташаббус ёшлар маънавиятини юксалтириш, улар ўртасида китобхонликни кенг

тарғиб қилиш бўйича тизимли ишларни ташкил этишга йўналтирилган.

Бешинчи ташаббус хотин-қизларни иш билан таъминлаш масалаларини назарда тутди.

Мақоламизда ёритмоқчи бўлган янгилик – бу бешинчи ташаббус, яъни хотин-қизларимизни бўш вақтини мазмунли ўтказиш, қизларимизни оилавий ҳаётга тайёрлаш ҳамда уларни хунарли бўлишини таъминлаш мақсадида ректоримиз ташаббуси билан 4-сонли талабалар турар жойида тикувчилик хонаси очилди. Тикувчилик хонасида 6 та тикув машинаси ўрнатилган бўлиб, хона керакли жиҳозлар, тикувчилик анжомлари билан тўлиқ таъминланди. Қизларимизга тикувчилик сирларини ўргатиш учун малакали тикувчи-педагог ҳам ишга олинди. Тикувчилик курсига ҳозирги кунда академиянинг турли факультетларида таҳсил олаётган 12 нафар қизимиз аъзо бўлдилар ва улар аллақачон тикувчилик сирларини ўрганишни бошладилар. Келгусида тикувчилик курсининг ишларини янада кенгайтириб, ТТЖ учун ётоқ анжомлари, пардалар



тикиш, талабалар турар жойида яшовчи талабаларнинг кийим-кечакларини таъмирлаш ишларини ҳам йўлга қўйиш мўлжалланган. Шу билан бирга, Олмазор тумани, Шифокорлар шаҳарчаси ҳудудида жойлашган “Хислат” маҳалласидаги кам таъминланган оилада истиқомат қилувчи хотин-қизларга тикувчилик илмини ўргатиб, уларни иш билан таъминланишида ҳисса қўйиш ҳам назарда тутилган.

Фурсатдан фойдаланиб, биз талаба қизларимизни янги ташкил этилган тикувчилик курсига таклиф этиб қоламиз.

Л.АБДУКАДИРОВА,
ТТА хотин-қизлар бошланғич
ташкilotи
раиси

49	Шукүров Бахтияр Вакилович	15.10.1964	Юқумли ва болалар юқумли касалликлари кафедраси доценти
50	Бобожонов Шўхрат Жуманазарович	13.10.1979	Юқумли ва болалар юқумли касалликлари кафедраси ассистенти
51	Назирова Шўхрат Анварович	01.10.1988	Юқумли ва болалар юқумли касалликлари кафедраси ассистенти
52	Ашуров Зарифжон Шарифович	08.10.1978	Психиатрия ва наркология кафедраси мудири
53	Норбекова Мунира Ҳамроқулловна	31.10.1978	Онкология кафедраси ассистенти
54	Каххаров Алишер Жамолддинович	15.10.1986	Онкология кафедраси ассистенти
55	Ходжамова Гўлбахор Адхамжан қизи	23.10.1990	Тиббий радиология кафедраси ассистенти
56	Якубов Абдуҷалол Ваҳабович	26.10.1959	Клиник фармакология кафедраси мудири
57	Ҳужаназаров Илҳом Эшқулович	01.10.1973	Травматология, ортопедия, ХДЖ ва нейрорраҳроҳлик кафедраси мудири
58	Алимов Ижод Рўстамжонович	30.10.1983	Травматология, ортопедия, ХДЖ ва нейрорраҳроҳлик кафедраси ассистенти
59	Бабаджанова Гўлҷаҳон Саттаровна	07.10.1954	1-сон акушер ва гинекология кафедраси профессори
60	Мирзаева Дилфуза Ботиржоновна	08.10.1984	1-сон акушер ва гинекология кафедраси ассистенти
61	Шодиев Аслиддин Исомиддинович	01.10.1972	Травматология, ортопедия, ХДЖ кафедраси ассистенти
62	Мавлянов Сарвар Искандарович	09.10.1986	1-сон ички касалликлар кафедраси ассистенти
63	Ражабова Раъно Шавкатжон қизи	22.10.1990	1-сон ички касалликлар кафедраси ассистенти

ТТА ректорати ва касаба уюшмаси номлари зикр этилган ҳамкасб, устозларимизни яна бир бор таваллуд кунлари билан муборакбод этади.

ТИЛ – МИЛЛАТ ИФТИХОРИ

Инсоният пайдо бўлибдики, сўзлашиш, фикр алмашиш, тафаккур теранлигини тил орқали баён қилади.

Тил – тафаккур гултожи. Киши ўй-фикрларининг баёнидир. Тил – ҳар бир миллатнинг кўзгуси, шу халқнинг номуи деб таъриф берсак муболага бўлмайди. Ҳар бир шахснинг қалб кўридаги муқаддас тилсими бу унинг шубҳасиз она тилидир. Туркий тиллар оиласининг энг жозибдор ва жарангдор тили ҳисобланмиш ўзбек тили асрлар силсиласида тобланган қадимий навқирон тилдир. Навоий қаламини чарчлаган, Бобур фикрини тоблаган, Қодирий асарларини бойитган азим тилдир. Миллатнинг она тилиси шу миллат бошидаги тож, халқи қалбидаги ғурурдир.

Она тили – миллатнинг руҳидир. Тил — давлат тимсоли ва шу давлатнинг мулкидир. Тилни асраш, ривожлантириш – миллатнинг юксалиши камол топишининг асосий гаровидир. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида давлат тилининг мақоми ҳуқуқий жиҳатдан мустақамлаб қўйилган, қонун йўли билан ҳимоя қилинадиган муқаддас давлат рамзига айланди. Она тилимиз – ўзбек тилига 1989 йил 21 октябрда давлат тили мақоми берилди. Бу мамлакатимиз, юртдошларимиз ҳаётидаги унутилмас, тарихий воқеага айланди. Дунёдаги барча халқлар ўзининг миллий расмий тилига эга деб айтолмаймиз. Чунки бу халқнинг миллий мустақиллиги билан боғлиқ. Мутахассисларнинг сўзларига қараганда, бугунги кунда ҳар икки ҳафтада битта тил йўқолиб бормоқда. Бу ўз навбатида ўша тилда сўзлашувчи халқларнинг йўқолишини англатади. ЮНЕСКО вакилларининг сўзларига қараганда, қачонлардир

одамлар сўзлашадиган тилларнинг сони 7 мингдан 8 минггача етган бўлса, бугунги кунда сайёраимизда 6 мингта тил мавжуд бўлиб, уларнинг 90 фоизи йўқолиб кетиш арафасида турибди. Бу асосан цивилизация туфайли маданиятидан айрилаётган кам сонли миллатларнинг тилларидир. Бу тилларда сўзловчи аҳолининг айримлари ёзувга эга бўлса, айримлари бундан бебаҳрадир. Масалан, Африка тилларида сўзлашувчи аҳолининг 80 фоизи ҳамон ўз ёзувларига эга эмас. Минглаб тиллардан таълим тизимида фойдаланишнинг имконияти йўқ.

Тил – миллатнинг маънавий бойлигидир. Тил нафақат муомала воситаси – балки халқнинг маданияти, урф-одати, унинг турмуш тарзи, тарихидир. Турли халқларнинг тилларига ҳурмат эса ўз навбатида ўзаро тушунишни, мулоқотларга имконият яратади. Тилларни сақланиб қолиши учун эса бу тилларни қўллаб-қувватлаш зарурдир. Айнан тил туфайли инсоният у ёки бу халққа мансублигидан фахрланиб яшайди. Барча тилларни тан олиш ва ҳурмат қилиш тинчликнинг бирдан бир қафолатидир. Шу сабабли ҳам ҳар бир халқ ўз тили сақланиб қолиши учун ҳаракат қилади. Афсус ва надоматлар билан тилга оладиган энг оғирлиқ нуқтамиз бугунги кунда айрим миллат ва тил шаънига доғ тушираётган тилни бузиб, шева ва лаҳжаларни қўллаб ҳамда беўхшов варваризмлардан фойдаланиб муқаддас она тилимизни оёқ ости қилаётганлар ҳам йўқ эмас. Кўчалардаги, дўкон пештахталаридаги, реклама афи-

шаларидаги қўпол хатолар ҳатто айрим хусусий ОАВ ва нашриётлардаги тилимизни бузиб саводсизларча ёзилаётган иборалар киши миллат шаънини булғайтган оғирлиқ нуқтамиздир. Тилни бузиб талаффуз қилиб сўзлаш етмагандек афишалардаги миллатимиз шаъни ва асрий қадриятларига ёт ҳолда ёзилаётган бонг урилаётган “...ИЧ чанқоғингни қондир”, “ОП!”, “СЕВ!”, “БЕР”, “КЎР!” каби чорловлар миллат руҳиятини ўзликни ботқоққа ботираётган “чорловлардир”. Азиз ватандош, тилимиз шаъни ва обрўсида шу йўсинда қандай қилиб келажак эгалари қўлига топширамиз. Бунинг учун биз қўлни қўлга бериб юртнинг келажак иқболи учун курашмоғимиз лозимдир. Тилларни сақлаб қолиш бу ўша халқнинг маданияти, урф-одати, расм-русумларининг сақланиб қолинишини англатади. Чунки, халқ тақдири тил тақдири билан бевосита боғлиқ. Тил ҳар бир миллат маданиятининг ўзагидир. Шу сабабли ҳам тилининг сақланиши халқ тараққиёти ва келажакни белгилайди. Тил халқни бирлаштиради, тарбиялайди, ўқитади, урф-одат, анъаналарини сақлайди. Шундай экан, она тилимизнинг халқро миқёсдаги обрў-эътиборини юксалтиришда, уни миллий ва умумбашарий тушунчалар асосида тараққий этган тиллар сафига қўйишда ҳар биримиз тилимизга чуқур ҳурмат билан ёндашишимиз керак.

Н.ҲАКИМОВА,
ТТА академик лицейи маънавият-маърифат ишлари бўйича директор ўринбосари



ТТА бўйича октябрь ойида туғилган ҳамкасб, устозларимиз

№	Ф.И.Ш.	Туғилган санаси	Кафедра ва лавозими
1	Кузьмина Галина Викторовна	12.10.1948	Кутубхона Ахборот-ресурс маркази директори
2	Тадженов Марат Сахиевич	29.10.1988	Ходимлар бўлими бошлиғи
3	Андаев Рустамбек Байдуллаевич	06.10.1982	Бухгалтериянинг бош бухгалтер ўринбосар аудитори
4	Назарова Моҳидил Маматмуродовна	03.10.1968	Электрон ахборот-ресурслари бўлими мудири
5	Рахимова Клара Нигматовна	17.10.1967	Ахборот-кутубхона ресурслари билан хизмат кўрсатиш бўлими мудири
6	Рахматуллаева Нодира Тулкуновна	25.10.1965	Тиббий профилактика ва тиббий биология факультети услубчиси
7	Жураева Манзура Имомназаровна	10.10.1977	Бухгалтериянинг фазначиси
8	Мухитдинова Дилдора Садриддиновна	14.10.1976	Бухгалтериянинг 1-д. бухгалтери
9	Усмонова Мамура Ботировна	08.10.1993	Хорижий ахборот-кутубхона ресурслари билан ишлаш бўлими 1-д. библиографи
10	Пратова Насиба Мадазовна	04.10.1974	Ходимлар бўлими 1-д. муҳандиси
11	Зокирходжаев Шерзод Яхяевич	29.10.1952	1-сон ички касалликлари пропедевтикаси кафедраси профессори
12	Сибиркина Марина Владимировна	04.10.1971	2-сон ички касалликлари пропедевтикаси кафедраси доценти
13	Турсунова Минавара Улуғбековна	31.10.1976	1-сон ички касалликлари пропедевтикаси кафедраси ассистенти
14	Моминов Алишер Ташкержанович	02.10.1957	1-сон умумий хирургия ва болалар хирургияси кафедраси ассистенти
15	Хамдамов Шерали Абдухамидович	10.10.1986	1-сон умумий хирургия ва болалар хирургияси кафедраси ассистенти
16	Тошмухамедова Махсума Кучқаровна	18.10.1960	1-сон факультет госпитал терапия ва касб касалликлари курси катта ўқитувчиси
17	Мирхамидов Мирзиёд Васикджанович	18.10.1982	1-сон факультет госпитал терапия ва касб касалликлари курси катта ўқитувчиси
18	Абдуллаева Дилорам Тельмановна	11.10.1965	1-сон болалар касалликлари кафедраси катта ўқитувчиси
19	Сотиболдиева Насиба Ражабовна	03.10.1970	1-сон болалар касалликлари кафедраси катта ўқитувчиси
20	Шоумаров Азизхон Завқиевич	14.10.1987	ЛОР ва стоматология кафедраси ассистенти
21	Шамсиева Умида Абдувоҳидовна	25.10.1973	Неврология кафедраси катта ўқитувчиси
22	Толибов Дилшод Сирожович	01.10.1984	Неврология кафедраси ассистенти
23	Газиева Шоҳида Рустамовна	26.10.1989	Неврология кафедраси ассистенти
24	Имомалиева Камила Мақсудовна	07.10.1984	Офтальмология кафедраси ассистенти
25	Ибрагимов Нематжон Комилжонович	03.10.1964	Анестезиология ва реаниматология кафедраси мудири
26	Рустамова Мамлакат Тулябаевна	29.10.1951	2-сон ички касалликлари кафедраси профессори
27	Қудратова Насиба Алишеровна	23.10.1985	2-сон ички касалликлари кафедраси ассистенти
28	Муйдинов Отабек Хусанович	30.10.1981	Тиббий ва биологик кимё кафедраси ассистенти
29	Эрметов Эркинбой Яхшибаевич	11.10.1970	Информатика ва биофизика кафедраси катта ўқитувчиси
30	Файзиева Нодира Алишеровна	24.10.1981	Информатика ва биофизика кафедраси ассистенти
31	Зупаров Илхом Баходирович	12.10.1985	Информатика ва биофизика кафедраси ассистенти
32	Ахмедова Сайёра Муҳаммадовна	30.10.1976	Анатомия ва клиник анатомия кафедраси ассистенти
33	Файзибоев Пирмамат Нормаматович	01.10.1960	Эпидемиология кафедраси катта ўқитувчиси
34	Эрметов Низом Жуманкулович	14.10.1970	Болалар, ўсимлар ва овқатланиш гигиенаси кафедраси мудири
35	Атамуратова Феруза Садуллаевна	31.10.1974	Ижтимоий фанлар кафедраси доценти
36	Алимова Сабоҳат Газиевна	07.10.1971	Ижтимоий фанлар кафедраси доценти
37	Сайдўллаева Муқаддам Акбаровна	13.10.1964	Тиллар кафедраси катта ўқитувчиси
38	Примова Муниса Мажлим кизи	24.10.1990	Тиллар кафедраси ўқитувчиси
39	Абдурашитова Шарафат Абдумажитовна	16.10.1969	Жамоат саломатлиги соғлиқни сақлашни ташкил этиш, бошқариш кафедраси катта ўқитувчиси
40	Разикова Азиза Абдумаликовна	22.10.1982	Жамоат саломатлиги соғлиқни сақлашни ташкил этиш, бошқариш кафедраси ассистенти
41	Сейткаримова Гулчехра Сайфутдиновна	02.10.1989	Нормал ва патологик физиология кафедраси ассистенти
42	Асқарова Наргиза Абдидалиевна	04.10.1975	Педагогика ва психология кафедраси ассистенти
43	Высогоорцева Ольга Николаевна	10.10.1974	Реабилитология халқ тиббиёти ва жисмоний тарбия кафедраси доценти
44	Саттарова Диана Бахтияровна	26.10.1983	Реабилитология халқ тиббиёти ва жисмоний тарбия кафедраси ассистенти
45	Каримов Абдусамат Ахатович	18.10.1971	Реабилитология халқ тиббиёти ва жисмоний тарбия кафедраси ассистенти
46	Аллаева Мияссар Джалалиддиновна	30.10.1970	Реабилитология халқ тиббиёти ва жисмоний тарбия кафедраси ассистенти
47	Султонов Нодиржон Назирович	01.10.1986	2-сон факультет ва госпитал терапия кафедраси ассистенти
48	Ахмедова Мубарахон Джалиловна	15.10.1947	Юқумли ва болалар юқумли касалликлари кафедраси профессори

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Унга кўра, ҳар бир ҳудудга 1 миллион дондан бадий, тарихий, илмий, оммабоп мавзулардаги китоблар етказиб бериш кўзда тутилган. Шунингдек, ахборот-кутубхона марказларини реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш, тадбиркорлар томонидан халқ кутубхоналари очиш ҳам белгиланган.

Тошкент тиббиёт академияси ҳам ўзининг шонли бой тарихига эга. У дастлаб Туркистон давлат университети кутубхонаси шаклида 1920 йилда барпо этилди. Қарийб 100 йиллик тарихи (2020 йилда 100 йиллиги) давомидида кутубхона Ўзбекистон Республикасидаги 700000 дан зиёд китоб экземплярига эга энг йирик кутубхоналардан бири даражасига етди. АРМ фонди тиббиёт ва унга ҳамроҳ соҳаларга оид ниҳоятда кекса адабиётлар, қўлёзмаларга эга Ўзбекистондаги бой фондлардан биридир. Мазмунан универсал бўлган кутубхона фонди ўз тарихий фаолияти давомидида Ватанимизда ва чет давлатларда чоп этилган турли тиллардаги тиббиёт, биология, тиббий кимё, ижтимоий фанлар ҳамда бой бадий адабиётлар фондига, санъат ва маданиятга оид адабиётларга эга. Бу ерда дарсликлар, ўқув ва ўқув услубий қўлланмалар, электрон лўғат, энциклопедия, тиббиёт журналлари, монография ва ҳ.га бой билим манбаи тўпланган.

Ҳозирги кунга келиб АРМ йилига 8000 дан зиёд китобхонага хизмат этади. АРМдан фойдаланувчилар сони: 4311 нафар. Ходимлар сони эса 28 нафар. Китобхоналар учун абонементлар тармоғи ва ўқув заллари соат 22.00 га қадар хизматда. АРМ фонди 681.594 нусха китобдан иборат бўлиб, улардан 168004 нусха ўқув фонди, 33.511 нусха ўзбек ва рус тилидаги, 20000 нусха инглиз тилидаги ўқув қўлланмаларидир. Ўқув адабиётининг асосий қисмини ташкил этган китоблардан 15.907 таси электрон ҳолатга келтирилган. Ўқув заллари 6 та. Виртуал кутубхона фонддаги барча адабиётларнинг электрон ресурсларидан фойдаланиш имконини беради. 15 та компьютер интернетга уланган. АРМ фаолияти дастури ТТА ректори тасдиқлаган Низомга асослаган. АРМ 6 бўлимдан иборат: фондларни жамлаш бўлими ва унинг секторлари, илмий ишлов бериш бўлими ва унинг секторлари, ўқув адабиётлар билан хизмат кўрсатиш бўлими ва унинг секторлари, илмий адабиётлари билан хизмат кўрсатиш бўлими ва унинг секторлари, рақамлаш бўлими, компьютерлаш ва электрон каталогизация бўлими, библиографик-маълумот ва оммавий ишлар бўлими, административ бошқарув бўлими. Ҳар бир бўлим тасдиқланган Низомга эга.

Яқинда ушбу Фармойиш ва 4-ташаббустининг амалдаги ижросини ўрганиш мақсадида академиянинг ахборот-ресурс марказига таширф буюрди ва марказ директори Г.Кузьмина билан мулоқотда бўлиб, ўзимизни қизиқтирган саволлар билан муножаат

қилдик ва марказнинг ҳозирги фаолияти билан қизиқдик. У киши бу ҳақда қуйидагиларни сўзлаб берди:

— Марказимиздан фойдаланувчи китобхоналаримиз учун етарлича шарт-шароитлар яратилган бўлиб, улар китобхоналарнинг билимларини янада бойитади. Рус, инглиз тилларидаги нашрларимиздан фойдаланиш эса уларга тил ўрганиш имкониятини яратади. Шунингдек, баъзи китоблар ва кафедралар презентациялари, докладлар, ўқув ва илмий видео материаллар ва слайдлар иштирокидаги тематик ўқув семинарларининг ўтказилиши китобхоналарга янада кенг имкониятларни тўғдиради. Марказимизнинг асосий вазифаси — ҳозирда бу тўлиқ матнга эга электрон ресурслар ва автоматлашган тизим асосида электрон каталогларни янада кенгайтириш. Бу эса марказимиздан фойдаланувчиларга маҳаллий ва масофавий тармоқларга уланган ҳолда фойдаланиш имкониятини беради.

Шу мақсадда ИРБИС (интегрированная автоматизированная библиотечная система — интеграциялашган автоматлашган кутубхона

БИЛИМ ВА ЗИЁ МАСКАНИ...

Яхши кутубхона — буюк хазина...

В.Белинский

тизими) дастури сотиб олинган. Бугунги кунга келиб электрон каталог 1000 тадан ортиқ манбани жамлаган. Интернетдаги MEDLINE маълумотлар базаси эса фойдаланувчиларга хорижий ва Россия тиббиёт журналларида эълон қилинаётган энг янги ахборотларни аннотация ва тўлиқ матнли форматларда тақдим этиш имкониятини беради. Кутубхона ишига янги ахборот технологияларини жалб этиш ва улардан фойдаланиш электрон каталогларнинг яратилиши китобхоналарнинг электрон ресурслардан янада кенгроқ фойдаланишига олиб келди. Мазмунига кўра электрон дарсликлар (ЭД) бу рус, ўзбек ва инглиз тилидаги ўқув адабиётлари, илмий нашрлар, тиббиёт ва унга алоқадор бўлган соҳалар бўйича монографиялар бўлиб, улар ҳеч қандай чекловларсиз барча китобхоналарга берилади. Бунинг учун улар исталган маълумот ташувчи қурилмани тақдим этишлари лозим. ЭД кутубхона компьютерларида ҳам, дискларда ҳам жамланган. 5 мингдан ортиқ библиографик ёзувдан иборат бўлган "АРМАТ" дастурига асосланган электрон каталог бўйича изланиш эса виртуал кутубхонани амалга ошириш имкониятини беради. Ахборот-ресурс марказининг асосий йўналишлари: АРМАТ дастурига мувофиқ ЭК шаклланиши; АРМАТ дастури бўйича Олий таълим вазирлигининг ягона электрон каталогини ва электрон маълумотлар базасини яратишда қатнашиш; Medline, EBSCOhost, Thomson Reuters (Veb of Science Core Collection), Oksford университет мабuoti

ва бошқалар ҳамда электрон маълумотлар базаларидан фойдаланувчилар учун мос ёзувлар ва библиографик ахборот хизматларини кўрсатишдир.

Академиямиз ректори Л.Туйчиевнинг ташаббуси билан тиббий адабиётлар нашрига эга ГЭОТАР тиббиёт адабиётлари каталогига 2018-2019 ўқув йилида кафедралар томонидан охириги йилларда чоп этилган ва чоп этилиши режалаштирилаётган тиббий адабиётларга талабномалар берилди. Ушбу нашриёт билан 350 млн. сўмлик шартнома имзоланиб, 121 млн.дан ортиқ сўмлик адабиётлар харид қилинди. Ҳамкорлик асосида Қозон Медицина Университети томонидан яқинда 97 та, жумладан 36 та библиографик китоблар тақдим этилди. Биринчи курсдан бошлаб биз, талабаларни кутубхона фондидаги электрон ресурслардан фойдаланишга ўргатамиз, шунингдек, интернетдаги тиббиётга оид сайтлардан илмий маълумотларни топишга кўмаклашамиз, китобхоналарга хизмат кўрсатишда албатта индивидуал суҳбатлар олиб борамиз. Ўз фанлари бўйича янги ўқув қўлланмаларни китоб ҳолида олаётган

кафедралар уларни марказимизга сканерлаш ва электрон шаклга ўтказиш учун баъзида эса электрон нусха шаклида тақдим этишади. Бу эса улардан барчанинг фойдаланиш имкониятини кенгайтиради.

Ахборот-ресурс марказ фаолиятини кузатиб шундай хулосага келдикки, унинг асосий фойдаланувчилари илмий тадқиқотчилар, профессор-ўқитувчилар ва қуйи курс талабаларидир. Юқори курс талабаларининг, клиник ординатор ва магистрларнинг кутубхонадан фойдаланиш даражаси эса нисбатан паст. Шунингдек, фойдаланувчилар асосан илмий адабиётларга буюртма беришади, ваҳоланки, кутубхонада олти мингдан ортиқ китобни жамлаган бадий адабиётлар фонди ҳам мавжуд. Биз, талабаларда кутубхонадан тўғри ва тўлиқ фойдаланиш, унга илм ва маърифат, шунингдек, маънавият маркази сифатида муносабатда бўлиш кўникмасини шакллантиришимиз лозим. Бунда эса илмий адабиётлар билан бир қаторда бадий адабиётлар ҳам муҳим ўрин тутди.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, академиямиз ахборот-ресурс маркази ўзида ниҳоятда бой илмий ва бадий адабиётлар фондиди жамлаган, шундай экан, биз ундан оқилона ҳамда тўғри фойдаланиб, юксак китобхонлик маданиятини намоён этишимиз лозим.

Зотан, билим манбаи бўлган китобни севиш, уни доимо ўқиш керак, ҳамма нарсани билиб олоқ лозим!

Қанчалик кўп билсанг, шунчалик кучли бўласан, билим ва зиё маскани бўлмиш ахборот-ресурс марказлари эса бу қутлуг ният йўлидаги беминнат ҳамроҳидир!

Шоира ҚОДИРОВА,
2-сон факультет ва госпитал терапия кафедраси катта ўқитувчиси



Юксак мукофатлар муборак

МАРТАБА ВА МАФТУНКОР ХИСЛАТ ЭГАСИ

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 28 йиллиги муносабати билан ҳурматли Президентимиз Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, халқ маданияти ва маънавиятини ошириш, илмий ғоясини ривожлантириш, ёрқин талант ва кўп қиррали ижоди, муваффақиятли илмий-инновацион фаолияти, фидокор меҳнати, соғлом ва баркамол авлодни Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялашдаги ва жамоат ишларидаги фаол иштироки учун барчамиз учун ҳурматли бўлган профессор Дилбар Наҳмудинова Қамаритдиновнани “Дўстлик” ордени билан мукофотладилар. Д.Наҳмудинованинг тиббиёт ва илмий йўналишлар соҳасидаги катта ҳиссалари давлатимиз томонидан муносиб баҳоланди.

Дилбар Наҳмудинова – 1988 йилда номзодлик диссертациясини, 1995 йилда – “Резус иммунизация билан ҳомиладорларда чақалоқлар гемолитик касаллигининг олдини олиш ва даволаш” мавзусидаги докторлик диссертациясини ёқлаган. 2005 йилдан 2014 йилгача – Тошкент тиббиёт академияси илмий ишлар бўйича проректори вазифасида ишлаган. 300 дан ортиқ илмий ишлар, шу жумладан – 3 та ўқув қўлланма, 20 дан ортиқ услубий тавсияномалар муаллифидир. Профессор Д.Наҳмудинова раҳбарлигида 14 та тиббий фанлар номзодлари ва 6 та тиббий фанлар докторлари илмий ишларни химоя қилишган. Ўз касбининг моҳир устаси бўлиб, барча турдаги улкан ўн минглаб акушерлик ва гинекология жарроҳлик амалиётларини бажариб, оналар ва болалар ўлимини камайтириш ва аёлларнинг репродуктив саломатлигини муҳофаза

қилишдаги ҳиссалари учун 2009 йилда Биринчи Президентимиз томонидан “Хизмат кўрсатган соғлиқни сақлаш ходими” ордени билан мукофотланган. Дилбар Қамаритдиновна шифокорлик, илмий, педагогик ва ташкилотчилик соҳасида катта истеъдодга эгадир. Профессор сифатида Академия ва кафедрадаги иш фаолияти давомида муносиб ўқувчиларни тарбиялаб, уларга тиббиёт ва илмга йўлланма бердилар. Чексиз қувват, олдига қўйган мақсадга эришиши учун аниқ ҳаракат қилиш, юқори профессионализм ва универсал компитентлик, ажойиб инсоний ва ишбилармонлик сифатлари, ўзининг ва атрофдагиларнинг вақтини қадрлай олиш, коллектив организатори каби ноёб истеъдод эгаси. Шу сабабли Дилбар Қамаритдиновна муҳаббат ва ҳурматга сазовор бўлдилар. Дилбар Қамаритдиновна Академияда биринчилардан бўлиб янги етакчи педагогик технологияларни қўллади ҳамда акушерлик ва гинекологияда симуляция марказини ташкил этди.

Жозибадорлик, зийраклик ва инсонларга бўлган эътибори ҳурматли профессор билан кунда иш юзасидан яқин бўлган инсонлар томонидан юқори баҳоланади. Зийрак психолог каби ҳар бир ходим қалбига йўл топа олади.

Бизнинг жамоамизга ажойиб раҳбар билан омад кулиб боққан. Шу сабабли уларга куч, ғайрат, илҳом, ишларида зафарлар ва бардамлик тилаймиз.

Г.ДЖУРАЕВА,

2-сон Акушерлик ва гинекология кафедраси ассистенти, т.ф.н.

ХУРМАТГА САЗОВОР УСТОЗ

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг йигирма саккиз йиллиги муносабати билан қатор мамлакатимиз олимлари Давлат мукофоти билан тақдирланишди. Уларнинг орасида ҳаммамиз ҳурмат қиладиган профессор Гулжаҳон Бабаджанова Саттаровна “Меҳнат Шухрати” ордени билан тақдирландилар. Бундай юқори мукофот билан тақдирланиш соғлиқни сақлаш, айнан акушерлик ва гинекология соҳасида ўз ҳиссаларини қўшганликлари ҳақида далолат билдиради.

Гулжаҳон Бабаджанова – 1954 йилда олимлар оиласида туғилган, бу ҳам бўлса бўлажак касб танлашда ўз ҳиссасини қўшди. 1978 йил Тошкент Давлат Тиббиёт институти даволаш факультетини битириб, акушерлик ва гинекология кафедрасида клиник ординатурани тугатиб, шу йилдан бошлаб Тошкент шаҳар 6-туғруқ комплексиди ординатор бўлиб ишлаган. Шу билан бирга параллел равишда илмий фаолият билан шуғулланиб, 1988 йил кандидатлик диссертацияни муваффақиятли ёқладилар.

1988 йилда Акушерлик ва гинекология кафедрасида ассистент бўлиб, 1997 йилда катта ўқитувчи лавозимида ишладилар. Эришган натижаларда тўхтамай

2002 йили доцент лавозимида бўлиб “Патогенетические аспекты нарушений репродуктивной функции, их коррекция и TORCH-инфекций” мавзусида докторлик диссертацияни химоялаган. Тадқиқот изланишлардан олинган натижаларни амалиётга татбиқ этган, бу ўз навбатида ҳомилани ўз ўзидан ташлаш, перинатал ва оналар ўлимини камайтишига олиб келди.

2004 йилдан бошлаб ТТА 4-5 курслар Акушерлик ва гинекология кафедрасида профессор лавозимида ишлаб келмоқдалар. Охириги йиллар ичида 10 магистр магистирлик диссертациясини қўл остиларида ёқлаб чиқардилар. 20 тадан ортиқ клиник ординатор тайёрлаб ҳозирги кунда акушерлик амалиётида малакали мутахассис бўлиб ишлаб келмоқдалар. Доимий равишда илмий салоҳиятларини ошириб ҳамда Халқаро илмий конгресс ишларида иштирок этиб келмоқдалар. 160 илмий ишларни муаллифи, 5 патент, 4 кандидатлик ва 1 докторлик диссертациянинг илмий раҳбари. Устоз ва мураббий янги ёш авлодга садоқат ва фидойиликда мисол бериб келмоқда. 2006-2008 йй. ўзини илмий фикрларини ҳаётга Давлат прикладной грантда раҳбарлик орқали татбиқ қилиб

келган ва 2012-2013 йй, 2014-2015 йилларда инновацион грантларда раҳбар бўлган.

Ўзбекистон Республикаси Акушерлик ва гинекология Ассоциациясида кенгаш аъзоси, ТТА акушерлик ва гинекология, перинатология, хирургия ЦМК аъзоси, ЎзРССВ монотематик комиссия аъзоси.

1998 йилдан бошлаб юқори малакали шифокор, малакали хирург ва акушер гинеколог, 8 мингдан ортиқ турли жарроҳлик амалиётини бажарган. Доимий равишда ССВ томонидан Республика бўйича консультатив ва амалий ёрдам кўрсатади. 2009 йилдан Фарғона туманининг масъул куратори бўлиб у ерда конференцияларда иштирок этиб, оналар ўлимини таҳлил қилиб шифокорларга сабоқ беради.

2011 йили ЎзРССВ томонидан “Соғлиқни сақлаш аълочили” кўкрак нишони билан мукофотланган. Ҳамкасблар ва илмий жамоатчилик томонидан муносиб ҳурматга сазовор. Юқорида айтиб ўтилганларни инобатга олган ҳолда шубҳасиз кўп йиллик профессионал даражада қилган меҳнатларини давлат томонидан берилган мукофот буни исботлайди.

Г.ЧОРИЕВА,

2-сон Акушерлик ва гинекология кафедраси ассистенти



У 1949 йил 17 сентябрда Қашқадарё вилоятининг Китоб туманида таваллуд топди. Самарқанд давлат тиббиёт институти 1972 йилда муваффақиятли тугатиб меҳнат фаолиятини туман шифохонасида оддий врачликдан бошлаб, тиббиёт фанлари доктори ва профессорликкача бўлган йўлни босиб ўтди. Абдиғаффор Гадаев ички касалликлар сирини аввал Тошкентда машҳур врачлар – профессор Х.Янбаева ва доцент О.Орифжоновлардан, кейин Санкт-Петербург шаҳрида 1989-1991

йилларда докторантурада таҳсил олиш жараёнида таниқли нефролог олим, академик С.Рябовдан ўрганди. Профессор А.Гадаев 1984 йилда Тошкентда профессор Х.Янбаева раҳбарлигида “Гемодинамика и её реакция на воздействие метеофакторов у больных ишемической болезнью сердца с артериальной гипертензией” мавзусида номзодлик диссертациясини муваффақиятли химоя қилди. Мазкур илмий иш собиқ иттифокда кардиология йўналиши бўйича “Йилнинг энг яхши 10 та химоя қилинган диссертациялари”дан бири сифатида алоҳида эътироф этилган. 1992 йилда Санкт-Петербург шаҳрида академик С.Рябов раҳбарлигида “Механизмы артериальной гипертензии при хроническом гломерулонефрите” мавзусида докторлик диссертациясини муваффақиятли химоя қилди. Ушбу диссертация иши машҳур академиклар – В.Алмазов, М.Кушаковский ва бошқа таниқли олимлар томонидан юқори баҳоланган.

Абдиғаффор Гадаев 1997 йилда 1-Тошкент Давлат тиббиёт институтида Республикада биринчилардан бўлиб, “Умумий амалиёт врачлари тайёрлаш” кафедрасига ҳамда кардиология, кардиореанимация ва кардиореабилитация клиникаларига асос солди. Унинг раҳбарлигида кафедра ва клиника юртимиздаги етакчи ўқув ва даволаш масканларидан бирига айланди. 1992–1997 йилларда Республика соғлиқни сақлаш вазирлиги бош терапевти, 1997–2000 йилларда эса “Кадрлар, фан ва ўқув юртлари бош бошқармаси” бошлиғи лавозимларида ишлаб, терапия хизматини мукамаллаштириш, тиббиётнинг бирламчи тизимини ислоҳ қилиш ва унда умумий амалиёт врачлари хиз-

Профессор Абдиғаффор Гадаев мамлакатимизда терапия фани ва амалиётини ривожлантириш, соғлиқни сақлашнинг бирламчи тизимида умумий амалиёт врачлари хизматини жорий этиш ҳамда малакали шифокорлар тайёрлашда жонбозлик кўрсатаётган етакчи мутахассислардан бири.

матини жорий этишда бевосита қатнашди.

Профессор А.Гадаев 2000–2001 йилларда 1-Тошкент давлат тиббиёт институтининг илмий ишлар бўйича проректори лавозимида фаолият кўрсатди. 2005 йилдан бошлаб Тошкент тиббиёт академиясининг тиббий педагогика факультети умумий амалиёт врачлари тайёрлаш ва эндокардиология кафедрасининг мудири. А.Гадаев айна пайтда мазкур академия 3-ички касалликлар кафедраси профессори вазифасида фаолият юритиш билан бирга, “Ўзбекистон терапия ахборотномаси”, “Тошкент тиббиёт академияси ахборотномаси”, “Ўзбекистон кардиологияси”,

Профессор А.Гадаев ўзбек тиббиёти кутубхонаси бойиши учун ҳам дастлабки катта ва баракали қадам ташлаган устозлардан саналади. Унинг “Умумий амалиёт врачлари учун маърузалар тўплами”, “Ички касалликлар”, “Умумий амалиёт врачлари учун қўлланма”, “Умумий амалиёт врачлари учун амалий кўникмалар тўплами”, “Ички касалликлар пропедевтикаси”, “Амалий электрокардиография”, “Умумий амалиёт ҳамширалари учун амалий кўникмалар тўплами” ва “Ҳамширалар фаолиятида профилактика” каби дарслик ва қўлланмалари қўллаб нусхаларда бир неча маротаба қайта

чоп этиб келинмоқда. Ушбу китоблар нашр этилган кундан бошлаб, тиббиёт олий ўқув юртлари ҳамда коллежлари талабалари ва амалиётда фаолият кўрсатаётган врачлар ҳамда ҳамшираларнинг доимий ҳамроҳларига айланди.

Шунингдек, сўнгги йилларда малакали шифокорлар тайёрлаш ва ўқув

Санкт-Петербург шаҳрида чоп этилаётган “Нефрология” журналлари тахририяти аъзоси ва Tib.17.02 шифрли докторлик илмий даражасини берувчи илмий кенгаш раиси ҳамда кардиология йўналиши бўйича докторлик илмий даражасини берувчи илмий кенгаш аъзоси сифатида ҳам мамлакатимизда тиббиёт фанининг ривожланишига салмоқли ҳисса қўшиб келмоқда.

А.Гадаев АҚШ, Австрия, Буюк Британия, Дания ва бошқа қатор мамлакатларда бўлиб, у ердаги терапевтлар ва умумий амалиёт врачлари фаолияти билан яқиндан танишди ва уларнинг тиббиёт соҳасидаги илмий ютуқларини Республикаимизда фаол жорий этмоқда. У юрак қон-томир касалликлари профилактикаси, кардиология, нефрология ҳамда шифокорлар тайёрлашни мукамаллаштиришга бағишланган 300 дан ортиқ илмий ишлар ва ўқув қўлланмалар, шу жумладан, 7 та монография муаллифи. Унинг раҳбарлигида қатор фан номзодлари ва докторлари тайёрланган. Ҳозирги кунда профессор А.Гадаевнинг шогирдлари Тошкент тиббиёт академияси кафедраларини бошқармоқда ва Республика кардиология илмий-амалий маркази ва қатор бошқа тиббиёт муассасаларида фаолият кўрсатмоқда. Айна пайтда шогирдлари томонидан 2 та докторлик ва 6 та номзодлик диссертацияси устида илмий изланишлар олиб борилмоқда.

жараёнини мукамаллаштириш борасида профессор А.Гадаев томонидан қатор истиқболли усуллар жорий этилди. Жумладан, унинг раҳбарлигида беморларни клиника шароитида кураци қилиш ва амбулатория қабулини объектив тизимлаштирилган усулини клиник кафедраларда амалий машғулотлар олиб боришда ва талабалар билимини яқуний баҳолашда қўлланилиши, жараён видео тасвир орқали жонли кўрсатилиб, ошқоралик билан ўтказилиши шифокор кадрлар тайёрлаш сифатини сезиларли яхшииланишига ва объективланишига олиб келди. Профессор А.Гадаев мамлакатимиз тиббиётини ривожлантиришдаги хизматлари учун 1999 йилда “Тиббиёт аълочили” кўкрак нишони билан мукофотланган ва 2007 йилда “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган тиббиёт ходими” фахрий унвони берилган.

70 ёшга тўлган профессор Абдиғаффор Гадаев катта куч, ғайрат билан республикамиз тиббиёти илмий ҳамда амалий салоҳиятини янада юқорига қўтариш борасида тинмай меҳнат қилмоқда.

О.МИРТАЗАЕВ,
профессор,
Х.АХМЕДОВ,
кафедрa мудири,
профессор

